

НОҚИШЛОҚ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИ АЖРАТИШ ВА АСОСЛАШНИНГ МАВЖУД ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГИ

Сафайев Санжарбек Зафарбек ўғли

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ мустақил изланувчиси

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги ерларида мониторингини олиб боришда таъсир этувчи жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари, кластерларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида қатор муаммолар таҳлил қилиниб ечимлар таклифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ер майдони, қишлоқ хўжалиги ерлари, ички хўжалик йўллари, дарахтзорлар, ёпиқ сув ҳавзалари, коммуникациялар, бинолар, иморатлар, иншоотлар, ўрмонлар.

Абстракт. Проанализирован ряд проблем, связанных с процессами, влияющими на мониторинг земель сельскохозяйственного назначения, современные методы производства, правовое регулирование кластеров и разработаны предложения по их решению.

Ключевые слова: земельный участок, земли сельскохозяйственного назначения, внутренние дороги, лесные массивы, закрытые водоемы, коммуникации, здания, постройки, сооружения, леса.

Abstract. A number of problems related to the processes affecting the monitoring of agricultural land, modern methods of production, legal regulation of clusters have been analyzed and a proposal for solutions has been developed.

Key words: Land area, agricultural land, domestic roads, tree groves, closed reservoirs, communications, buildings, buildings, structures, forests.

Қириш. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 январь ҳолатида ерларини 44892,4 минг гектарлигини ҳисобга олсак, шундан 4331,7 минг гектари суғориладиган ерларни ташкил этади. Бу эса умумий ер майдонига нисбатан 9,6 %ни ташкил қилади.

Мамлакатимиз ер фонди Ер кодексининг 8-моддасига асосан саккизта тоифага бўлиб ўрганилади ва таҳлилий ишлар олиб борилади. Булар: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 24057,1 минг гектар, аҳоли пунктларининг ерлари 223,5 минг гектар, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар 876,3 минг гектар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар 728,4 минг гектар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар 14,7 минг гектар, Ўрмон фонди ерлари 12021,4 минг гектар, сув фонди ерлари 827 минг гектар, заҳира ерлар 6144 минг гектарни ташкил этади.



1-расм. Тошкент вилояти жами фойдаланиладиган ерлар майдонини тақсимланиши (минг га.).

Республикадаги фойдаланиладиган жами ер майдонлари экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар, жами қишлоқ хўжалиги ерлари, томорқа ерлари, ўрмонзорлар, боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари, бутазорлар ва бошқа ерларга бўлинади.

Тадқиқот объекти Тошкент вилоятининг ушбу кўрсаткичлар бўйича тақсимланишини (1-расм).


Республика миқёсида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар: қишлоқ хўжалиги ерлари, ички хўжалик йўллари, дарахтзорлар, ёпиқ сув ҳавзалари, коммуникациялар, бинолар, иморатлар ва иншоотлар, ўрмонлар, эгаллаган ерларга ажратилади. Республикада қишлоқ хўжалиги ерларнинг умумий ер майдони 2021 йил 1 январь ҳолатига 24057,1 минг гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимиз ҳудудининг 53,59 %ни қишлоқ хўжалиги ерлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг ер турлари бўйича Тошкент вилояти ҳудудида тақсимланишини (2-расм).



2-расм. Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг ер турлари бўйича тақсимланиши (минг га.).

Аҳоли пункти ерлари фойдаланишнинг нима мақсадда эканлигига кўра бошқа тоифалардан ажралиб туриши билан ўзига хос хусусиятга эга. Мақсадларига қараб қонунда кўрсатилган шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли пункти ерларига бўлиб киритилади. 2021 йил 1 январь аҳоли пункти ерлари 223,5 минг гектар умумий ер майдони ташкил этади.



3-расм. Тошкент вилояти аҳоли пунктлари ерларининг тақсимланиши
(минг. га.)

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясида озиқ-овқат хавфсизлиги энг асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги шароитида аҳоли сонининг ортиб бориши сабаб, аҳолининг озиқ овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда қишлоқ хўжалик ерлари муҳим манба ҳисобланади. Афсуски, сўнгги йилларда табиий ва антропоген омиллар таъсирида маҳсулдорликнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боисдан, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик ерлари майдонини кенгайтириш ва деградацияга учраган майдонларни қайта тиклаш, мелиоратив ҳолатлари ёмонлашган ерлар самарадорлигини ошириш ишларини олиб бориш юзасидан уларнинг мунтазам равишда мониторингини юритиш ҳозирги даврдаги энг долзарб масалалардан бирига айланган.

Ер мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тизимли тартиблар ва кўрсатмалар асосида белгиланган ҳамда технология ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Тупроқ унумдорлигини таъминлаш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг экологик тоза ҳолатини англатади. Аммо маълумки, тупроқ ва сув эрозияси, шўрланиш ва ботқоқланиш каби жараёнлар тупроқнинг таназзулига ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Кўпинча бундай экологик ноқулай ҳодисаларнинг намоён бўлиши деҳқончилик

маданиятининг пастлиги, мелиоратив тадбирларнинг етарли даражада эмаслиги ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда глобал иқлим ўзгаришлари муносабати билан қишлоқ хўжалигини юритиш мураккаблашмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мелиорация, сув таъминоти, янги иқлим шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш стратегик масалалар бўйича тезкор бошқаришда қишлоқ хўжалик ерларининг экологик мониторингини ўтказиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Тошкент вилояти суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларининг сифат баҳоси маълумотларга кўра, 59 баллни ташкил этади. Тошкент вилоят бўйича суғориладиган ерларнинг охириги сифат баҳоси кўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Тошкент вилояти суғориладиган тупроқларининг сифат баҳоси
(2015-2018 йиллар бўйича)**

Йиллар	Кадастр гуруҳлари										Жами, га	Ўртача бонитет балли
	Ёгон ерлар		Ўртачадан паст ерлар		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар			
	0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
2015		23	2562	15565	59284	93620	102280	41138	10179	2	324653	59
2016		23	2471,4	15115,3	59432,8	96185,9	103023,2	40032,9	9622,9	2	325909	59
2017 яқунига кўра		23	2471	15115	59433	96186	103023	40033	9623	2	325909	59
2018 яқунига кўра		23	2471	15115	59433	96186	103023	40033	9623	2	325909	59

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан ерларнинг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган бир қатор Фармонлар, Фармойишлар ва Қарорлар қабул қилинган ҳамда Давлат дастурлари тасдиқланиб амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, суғориладиган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати яхшиланиб, уларнинг унумдорлик даражаси ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кўтарилмоқда. Лекин, шунга қарамадан суғориладиган ва лалмикор ерлардаги салбий жараёнлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Қишлоқ хўжалиги ерларида мониторингини олиб бориш ернинг жойлашуви, тупроқ сифати ва унумдорлигига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар ҳамда иқлим шароитларининг қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигига таъсир кўрсатувчи жараёнларини ҳисобга олиш каби имкониятларни яратади.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида қишлоқ хўжалик экин ерлари бутун дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган асосий ресурс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер хисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061-сонли Фармонида Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу Фармонда Давлат ер кадастри маълумотлар базасини такомиллаштириш, Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рақамли технологияларда амалга ошириш, кўчмас мулк объектларини рўйхатга олиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан кўшимча вазифалар юклатилди. Жумладан, маъмурий-худудий бирликларининг чегараларини белгилаш, аниқлик киритиш, чегара электрон кўринишдаги хариталарини яратиш ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар томонидан низоли ҳолатларни олдини олиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш ишларини такомиллаштириш ҳамда ер хисобини тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида Кадастр агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Маъмурий-худудий бирликларининг чегараларини белгилаш, ер ресурсларининг аниқ хисобини юритишни амалга ошириш учун рақамли ортофотопланлар, ер кадастри хариталари, ер майдонлари турларини контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномалари янгиланиб, ер майдонларини йўқлама (инвентаризация)дан ўтказиш, яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва мониторингини олиб бориш ва Давлат ер кадастрини юритишда кўп мақсадли ер маълумотларининг автоматлаштирилган ягона тизими (Ергеопортал)да аниқ ер хисобини юритиш ишларида кенг қўлланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аvezбаев С. Рациональное использование земель в низовьях Амударьи. - Ташкент: «Мехнат», 1990. - 154 с.
2. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004. - 784 б.
3. Аvezбаев С. Ер тузишни лойиҳалашда автоматлашган тизимлар. - Тошкент: ТИМИ, 2010.
4. Ахмедов А.У., Парпиев Ғ.Т., Абдуллаев С.А. Тупроқ-мелиоратив мониторинги / Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти. - Тошкент: «NOSHIR» нашриёти, 2012. - 160 б.
5. Бородычев В.В., Лытов М.Н., Головинов Е.Э. Мониторинг и управление орошением в режиме реального времени // Журнала «Механизация и электрификация сельского хозяйства». - М., 2017. - С. 154.
6. Будник Л.И. Управление инженерным обеспечением экологической безопасности земельных ресурсов // Организация устойчивого землепользования: сборник научных статей по материалам

- Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч.2 / Белорусская государственная сельскохозяйственная академия; редкол.: П.А.Саскевич (гл. ред.) [и др.]. - Горки, 2016. - С. 3-8.
7. Варламов А.А. Современные проблемы землепользования // Современные проблемы эффективного землепользования: сборник научных трудов. М.: ГУЗ, 2016. - С. 3-17.